

Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши Ижроия
Қўмитасининг 2021 йил
16 августдаги 25-сон мажлиси
2-сон қарори Иловаси

“Адолат” СДПнинг “ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА” лойиҳаси
доирасида “КОНСТИТУЦИЯ БИЛИМДОНИ” кўрик-танловининг

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Республикализдаги барча профессионал таълим муассасаса (касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар)лари ва Олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицейларининг 2-босқич ўқувчилари ўртасида “Адолат” СДП “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан ташкил этиладиган “Конституция билимдони” кўрик-танловини (кейинги ўринларда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Кўрик-танлов “Адолат” СДП Дастири, Устави, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кўрик-танловни ўтказиш тўғрисидаги қарори, “Адолат” СДП “Ёш адолатчилар” қанотининг Низоми ҳамда ушбу Низом асосида ташкил этилади.

II. Кўрик-танловининг мақсад ва вазифалари

2.1. Кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, уларда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда “Адолат” СДП дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилади.

2.2. Жамиятда қонун устуворлиги ва барқарорлигига эришиш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий таълим-тарбияни янада такомиллаштириш, давлат ва жамият бошқаруви моҳияти ҳақида ёш авлодга тушунчалар бериш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш, ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, “Адолат” СДП Устави ва Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда мамлакатимизнинг Конституцияси ва қонунларини кенг тарғиб қилиш кўрик-танловининг вазифаси хисобланади.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби

3.1. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати, партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгаш раислари зиммасига юклатилади. Улар кўрик-танловнинг ташкилий масалаларига оид ҳужжатларни, ташкилий қўмита аъзолари, ҳакамлар ҳайъатини тасдиқлади.

3.2. Мазкур танлов бир йилда 1 маротаба 3 босқичда ўтказилади:

1-босқич: саралаш (туман, шаҳар) босқичи (**4 – 14 ноябрь оралиғида**);

2-босқич: ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқичи (**15 – 25 ноябрь оралиғида**);

3-босқич: якуний (республика) босқичи (**декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига**).

IV. Кўрик-танлов шартлари

4.1. Кўрик-танловда барча профессионал таълим муассасалари ва Олий таълим муассасалари тасаруфидаги академик лицейларнинг 2-босқич ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

4.2. Кўрик-танловда барча профессионал таълим муассасалари ва Олий таълим муассасалари тасаруфидаги академик лицейлардан фақатгина 1 нафар иштирокчи иштирок этиши лозим.

4.3. Иштирокчи ўз кийимида тимсолига ҳамда кўкрак нишонига эга бўлиши мумкин.

4.4. Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасининг сайлов кодекси, “Сиёсий партиялар тўғрисидаги”ги, “Таълим тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда “Адолат” СДП Устави ва Сайловолди дастурига оид билимлар доирасида ўтказилади.

4.5. Иштирокчилар *таништирув*, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси *соҳадаги билимлар беллашуви, эркин мавзу* шартларида белгиланган қатъий регламент тартибида беллашадилар.

1- шарт – Таништирув - иштирокчи таълим олаётган муассасаси, туман (шаҳар) партия ташкилотларининг сиёсий-хукуқий ва ташкилий тузилмаси ҳақида бадиий кўринишда, ёки тақдимот, видеоролик тарзида ўзини таништириши мумкин.

1-шарт бўйича иштирокчининг чиқиши 5 дақиқа этиб белгиланиб, Ҳакамлар ҳайъати иштирокчини қай даражада ўзини таништириши, сиёсий - хукуқий билими асосларини таништириш давомида қандай қўллай билиш қобилиятига, кийимида ҳамда кўкрак нишони ва тимсолини таърифлашига қараб 5 балли тизимда баҳолайдилар.

б) 2 - шарт – Савол-жавоб - иштирокчи ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги Қонун ҳужжатлари, “Адолат” СДП Устави ва Сайловолди дастурига оид саволларга жавоб беришлари лозим бўлади. Ҳар бир иштирокчига бештадан савол аввалдан ташкилотчилар томонидан тайёрланади ҳамда конвертга солиниб,

мухрланади ва мазкур шарт вақтида танлов иштирокчиларига тарқатилади. Саволларга жавоб тайёрлаш учун иштирокчига 3 дақиқа, жавоб бериш учун 5 дақиқа вақт ажратилади ва 5 балли тизимда баҳоланади.

в) 3 – шарт – Эркин мавзу деб номланиб, бу шартда иштирокчи томонидан “Адолат” социал-демократик партияси менинг масавурумда мавзусида ижодий иш тайёрланади. Мазкур ижодий иш: шеър, расм, эссе, фотоальбом, тақдимот, видеоролик, реклама ролиги ва бошқа кўринишларда эркин тарзда тайёрланиши мумкин. Ижодий ишлар орқали иштирокчининг партия ҳақидаги тасаввuri, танилувчанлигини янада ошириш борасидаги таклифлари Ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганилиб, 5 балли тизимда баҳоланади. Ҳар бир ижодий иш тақдимоти учун 5 дақиқа вақт ажратилади.

V. Кўрик-танловга тақдим қилинадиган хужжатлар

5.1. Кўрик-танловда иштирок этувчилар қўйидаги хужжатларни Ташкилий қўмитага тақдим қиласидилар:

- иштирокчи тўғрисида маълумотнома (объективка);
- фуқаролик паспорти;
- тавсифнома (таълим муассасасидан);
- эркин мавзу бўйича бажарган ишлари ҳақида маълумот.

Барча ишлар “кўрик-танловга” деган қайд билан белгиланиши лозим.

5.2. Кўрик-танловга тақдим этилаётган хужжатларни ўзбек ва рус тилларида тақдим қилиш мумкин.

VI. Кўрик-танлов иштирокчиларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

6.1. Иштирокчилар ҳар бир шарт бўйича ўз чиқишлиарини якунлаганидан сўнг Ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилиб, баҳоланади ва Ҳакамлар ҳайъати томонидан хулоса (изоҳ)лар берилади.

6.2. Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов иштирокчилари ишини очиқ овоз бериш йўли билан баҳолайди.

6.3. Баҳолаш мезонлари:

- иштирокчининг ўзини таништириш маҳорати;
- иштирокчининг саҳнада ўзини тутиш маданияти ҳамда нотиқлик маҳорати;

- иштирокчининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси сайлов кодекси, “Сиёсий партиялар тўғрисидаги”ги, “Таълим тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда “Адолат” СДП Устави ва Сайловолди дастурига оид билимлари.

6.4. Кўрик-танловнинг энг юқори балли 75 ни ташкил этиб, 1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари аниқланади. Кўрик-танловнинг маҳаллий ёки худудий босқичларида 1-ўринни эгаллаган иштирокчи танловнинг кейинги якуний (республика) босқичига йўлланма олади.

VII. Ҳакамлар ҳайъати

7.1. Кўрик-танлов иштирокчилари ишини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш мақсадида 5 кишилик таркибдан иборат Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

7.2. Ҳакамлар ҳайъати партия фаоллари, депутатлар, хукуқ - тартибот органлари ва жамоат ташкилотлари ходимларидан ташкил топади.

7.3. Кўрик-танловнинг маҳаллий ҳамда худудий босқиларида Ҳакамлар ҳайъати таркиби партиянинг худудий ҳамда маҳаллий Кенгашлари Ижроия Кўмитаси раиси томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

7.4. Кўрик-танловнинг якуний (республика) босқичида Ҳакамлар ҳайъати таркиби “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

7.5. Ҳакамлар ҳайъати таркиби танлов куни эълон қилинади.

VIII. Кўрик-танловни молиялаштириш

8.1. Туман, шаҳар ва вилоятлар даражасида ушбу кўрик-танловни ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар худудий партия ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

8.2. Республика босқичини ташкиллаштириш ва ўтказишни молиялаштириш “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан сметага мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Кўрик-танловнинг барча босқич ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари ҳамда 1, 2 ва 3-даражали диплом билан тақдирланади. Кўрик-танловнинг бошқа фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилиши мумкин.

IX. Низомнинг кучга кириши

9.1. Мазкур Низом “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг мажлис қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

X. Якуний қоидалар

10.1. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита вазифаси “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва партиянинг худудий ҳамда маҳаллий Кенгашлари томонидан бажарилади.

10.2. Кўрик-танлов бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун:

*“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати манзили:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй*

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 288-46-64 (ички рақам 117).